

## ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТС ВА УНИ ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ҲАМДА СУД-ТЕРГОВ АМАЛИЁТИДА МАЛАКАЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР



ELSEVIER

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7626008>

**Курамбаев Тохир Хосинбаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси Тергов фаолияти  
кафедраси ўқитувчиси



**Abstract:** Таносил ёки ОИВ касаллиги, ОИТС атамалари ва уни тарқатиш жиноятининг тушунчаси, ушбу жиноят учун жавобгарликнинг моҳияти, мазкур жиноятни малакалаш бўйича суд-тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан жиноят қонунчилигига ўзгартириш киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар.

**Keywords:** Таносил, ОИВ, ОИТС, жинсий, вирус, иммунитет танқислиги, синдром, юктириш, жавобгарлик, жиноят қонунчилиги, малакалаш

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

## ПОНЯТИЕ ВЕНЕРИЧЕСКОГО ЗАБОЛЕВАНИЯ ИЛИ ВИЧ/СПИДА И ПРЕСТУПЛЕНИЕ ЕГО РАСПРОСТРАНЕНИЯ, А ТАКЖЕ НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С КВАЛИФИКАЦИЕЙ В СУДЕБНО-СЛЕДСТВЕННОЙ ПРАКТИКЕ



**Abstract:** Термины венерическое или ВИЧ-заболевание, СПИД и понятие преступления его распространения, характер ответственности за это преступление, определенные проблемные ситуации, встречающиеся в судебной-следственной практике квалификации этого преступления, а также разработанные предложения по внесению изменений в уголовное законодательство по их устранению..

**Keywords:** Венерический, ВИЧ, СПИД, сексуальный, вирус, иммунодефицит, синдром, передача, ответственность, уголовное право, квалификация.

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

## THE CONCEPT OF VENEREAL OR HIV DISEASE/AIDS AND THE CRIME OF ITS DISTRIBUTION, AS WELL AS SOME PROBLEMS RELATED TO QUALIFICATION IN FORENSIC INVESTIGATION PRACTICE



**Abstract:** The terms venereal or HIV disease, AIDS and the concept of the crime of its distribution, the nature of the responsibility for this crime, certain problematic situations encountered in the forensic investigation practice of the qualification of this crime, as well as proposals developed to amend the criminal law on their elimination.

**Keywords:** Venereal, HIV, AIDS, sexual, virus, immunodeficiency, syndrome, transmission, responsibility, criminal law, qualification.

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ 60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон қадрлари кенг эътироф этилган эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Бунда, энг асосий масала фуқароларимизни турли хил жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланиб, уларнинг қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланмас экан, эркин ва фаровон ҳаёт, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди [1].

Дунёда инсоннинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган турли хил касалликлар бор. Аммо шундай дардлар борки, унинг номи касаллик келтирадиган зарардан оғирроқ, азоблироқ. Бу дард билан чалинган инсонлар қайсидир маънода жамиятдан узилиб қолгандай, ўзларини ёлғиз қолгандай ҳис қилади. Одамлар бу касаллик билан чалинган беморлардан ўзларини олиб қочади, раҳм-шафқат кўзлари билан боқади ва қайсидир маънода улардан нафратланади [2].

XXI асрда жаҳон ҳамжамиятининг олдида турган долзарб муаммолар қаторида таносил ва ОИВ касалликлари ҳамда ОИТСнинг тарқалиши ва бу салбий ҳодисаларга қарши кураш алоҳида ўрин тутаяди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг 113-моддасига кўра, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жинояти учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган [3].

Мазкур жинот учун жавобгарлик шахс ўзида ушбу касалликларнинг борлигини олдиндан билган бўлиши лозим. Яъни шахс ОИВ, ОИТС га қарши тест топшириши ва тест натижаларига кўра, унда ушбу касалликлар аниқланса, у ёзма равишда мазкур касалликни ўзга шахсга юктирган тақдирда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши тўғрисида тушунтирилган ва ундан бу ҳақида тилхат олинган бўлиши лозим. Агарда шахс бу ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса, у юқорида қайд этилганидек, жавобгарликка торитилиши мумкин.

Текширув натижаларига кўра ўзида ОИВ касаллиги аниқланган шахс тиббиёт ходими томонидан қуйида кўрсатилган ҳолларда ўзга шахсларга ушбу касалликни юктириши мумкинлиги тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантирилади:

- жинсий алоқа йўли билан;
- донор сифатида қон ва биологик суюқликларни топширганда;

- гиёҳвандлик воситаларини игна орқали томир ичига ва мушак орасига қабул қилишда умумий шприц ва игналардан фойдаланганда;

- бошқа шахслар билан биргаликда соқол олишда лезвиядан, тери ва шиллик қаватларнинг бутунлигини бузадиган муолажаларда, тешадиган ва кесадиган асбоб-анжомлардан умумий фойдаланганда;

- маиший ҳаётда алоҳида шахсий гигиена буюмлари: соқол олиш асбоблари, тароқ, маникюр-педикюр анжомлари, ҳукна (қлизма) учун ишлатиладиган асбоблар, аёллар жинсий аъзоларини ювиш учун махсус асбоблар бўлиш кераклиги ва фақат ўзининг шприцидан фойдаланиш ва шу кабилар [4].

Мазкур тилхат ёзма равишда расмийлаштирилиб, жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган шахс ва уни тушунтирган шифокор томонидан имзоланади ҳамда мазкур ҳужжат тергов жараёнида терговчи учун шахснинг жиноий жавобгарлик масаласини қонуний ҳал қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бунда терговчи ушбу ҳужжатни кўздан кечириб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 204-моддаси тартибида ёзма далил деб эътироф этади ва жиноят ишига қўшиб қўяди.

Мазкур турдаги жиноятлар ҳақида маълумотга эга бўлиш учун ушбу касалликлар тўғрисида тушунчага бўлиш лозим. Шу боис ушбу касалликлар тўғрисида тўхталиш талаб этилади.

“Таносил касалликлари” *“венерик касалликлар”* деб ҳам аталади ва лотинча “Venus” – “Венера”, яъни қадимги юнон афсонасидаги севги ва нафосат маъбудасининг номидан келиб чиққан. Бу термин билан асосан сифилис (захм), гонорея (сўзак) ва юмшоқ шанкр каби бир нечта юқумли касалликларни аташ қабул қилинган. Бу касалликлар кўзғатувчилари ва клиник ҳолатига кўра турлича бўлса-да, уларни юқиш йўли бирлаштириб туради, яъни ушбу касалликлар аксарият ҳолларда жинсий алоқа йўли орқали юқадиган касалликлар ҳисобланади.

Таносил касалликларининг яна бошқа турлари мавжуд бўлиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг берган маълумотига кўра, ҳозирги кунда таносил касалликларининг сони 27 дан ошган [5].

Шулардан ҳозирги кунда энг кўп тарқалганлари бу сифилис, гонорея, юмшоқ шанкр бўлиб ҳисобланади.

Сифилис (ескирган: луес) - тери, шиллик пардалар, ички органлар, суяклар, асаб тизимининг шикастланиши билан сурункали, тизимли таносил юқумли касаллиги бўлиб ҳисобланади. Ушбу касалликнинг яна бир номи Захм деб аталиб, уни оқиш трепонема кўзғатади. Захм ўзига хос клиник кечишга эга: фаол клиник қуриниш даври яширин давр билан алмашилиб, клиник ва патологоанатомик жидатдан терида сезилар - сезилмас бўлган

яллиғланишлардан то чукур специфик инфекцион гранулемалар ҳосил бўлишигача кузатилади. Бу гранулемалар кейинчалик некротик йул билан ириб, парчаланади ва уларнинг ўрнида чандик ёки ямоқчалар қолади [6].

Гонорея (юнонча "seminal суюклик" ва "теку") грам - манфий диплококк-гонококк лат келтириб чиқарадиган юқумли касалликдир, яъни таносил касалликларини англатади. Ушбу касалликнинг яна бир номи Сўзак деб номланиб, унда асосан сийдик таносил аъзолари, баъзан тўғри ичак, кўз, оғиз шиллик каватлари ҳам зарарланади. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир ҳам сўзак энг кўп тарқалган таносил касалликлари каторига киради. Ер шарида йилига 60 - 62 миллион аҳоли бу касалликка чалинади. Айниқса сўзакнинг 18 - 25 ёшлардаги йигит-қизлар орасида тарқалганлиги кўпгина мутахассисларни ташвишга солмоқда.

**Юмшоқ шанкр**, шанкроид, венерик яра - ўткир юқумли таносил касалликлардан. Жинсий аъзолар териси ёки шиллик каватларида оғриб турадиган юмшоқ жаралар пайдо бўлиши билан ифодаланади, уни юмшоқ шанкр деб аталишининг сабаби ҳам шундан. Ушбу касаллик ҳам асосан жинсий йўл билан юқади.

Юмшоқ шанкр асосан жинсий алоқа орқали юқади, бунинг натижасида патологик жараён жинсий аъзоларда (эркакларда - олат халтачасининг ички қобиғи, аёлларда катта ва кичик жинсий лаблар, клитор, баъзан қовуқ, соннинг ички қисми, орқа чиқарув канали атрофида) жойлашади. Юмшоқ шанкр айрим ҳолларда бачадон бўйни ва қин деворида учрайди. Баъзан касаллик жинсий бўлмаган йўллар (ёки предметлар) орқали юқиши мумкин. Масалан, тиббий ходимларнинг қўл бармоқларида касбий зарарланиш натижасида юмшоқ шанкрни кузатиш мумкин.

ОИВ инфекцияси - одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган сурункали юқумли касаллик ҳисобланиб, вирус бемор одам организмда бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Инфекция дастлаб яширин тарзда кечиши, бу давр бир неча ойдан 5-10 йилгача ва ундан ҳам ортиқроқ давом этиши мумкин. Касалликнинг яширин даврида вирусни юктириб олган шахслар кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмайди. Касалликнинг шу даври анча хавфли ҳисобланиб, инфекцияни юктириб олган шахслар ўзлари билмаган ҳолда касалликни бошқаларга юктириб юришлари мумкин. ОИВ инфекциясида меъёрда ишлаб турган иммун тизими йиллар давомида вируснинг тажовузини босиб туради. Аммо, вирус организмда кўпайиб аста-секин иммун тизимни мутлақо издан чиқаради ва натижада ОИТС ривожланади [7].

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) - одамнинг

иммун тизимини иммунитет танқислиги вирусни шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган хасталикнинг сўнгги босқичидир [8].

ОИВ касаллиги /ОИТС қўйидаги усулларда юқади: 1) жинсий алоқа; 2) инекицион ва инструментал (шприц, игна ва тиббий асбоблар); 3) гемотрансфузион - инфицирланган қон ёки унинг компонентлари соғлом одамга қўйилиши; 4) перинатал - инфицирланган онадан ҳомилага; 5) трансплантацион - инфицирланган органлар, илик суяги кўчириб ўтказиш, сунъий уруғлантириш; 6) кўкрак сути - онанинг инфицирланган сути орқали чақалоққа; 7) профессионал - ОИВ инфекцияси билан зарарланган одамнинг қони ва секрецияларини таҳлил қилувчи одамларнинг теридаги яралари ва шиллик пардалари орқали; 8) маиший - маникюр, педикюр, татуаж, соқол олиш орқали. Мазкур касаллик сўрашганда, ўпишганда, умумий овқатланганда юкмайди. Одамнинг иммунитет танқислиги вирусни билан зарарланиш одатга кўра, натижаси ўлим билан якунланади. Шу боис Жиноят кодекси 113-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу турдаги жиноятларни суд-тергов қилиш амалиётда дуч келинаётган айрим муаммоли ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда жиноят Кодексининг 113-моддасининг 3-қисми ва ундан кейин қисмларини кенг таҳлил қилиш талаб этилади.

Амалдаги жиноят Кодексининг 113-моддасида қўйидаги мустақил таркибли қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни: а) била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш (1-қ.); б) ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш (2-қ.); в) била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (4-қ.); г) шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (5-қ.).

Ушбу Қонуннинг 113-моддаси 3-қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар “икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан” (“а” банди) ҳамда “вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса” (“б” банди) , - деб кўрсатилган. Ҳудди ушбу қонуннинг модданинг кейинги қисмида, яъни 4-қисмига ҳам жорий этиш лозим.

Жиноят Кодексининг 113-моддаси 4-қисмида “била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш”, - деб белгиланган. Бироқ, ҳозирги кундаги



суд-тергов амалиётида юқорида қайд этилганидек, жиноят Кодексининг 113-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноят, яъни ОИВ ёки ОИТСни бида туриб бошқа шахсга юқтириш ёки юқтириш хавфи остида қолдириш такроран ёки икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилса ёхуд вояга етмаган шахсга нисбатан ёинки ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса ва шу каби ҳолатларда ушбу шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласини адолатли ҳал қилиш масаласи турибди. Шу боис, қонунчиликнинг ушбу томонларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳозирги кун суд-тергов амалиёти учун ўта долзарб ҳисобланади.

Ушбу борада бир қанча хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги ўрганилганида ҳам шуни кўришимиз мумкин. Чунончи, Озайбайжон Республикаси жиноят Кодексининг 140-моддаси 3-қисмида ОИТС ни икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан ёхуд вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги [9], Грузия Республикаси жиноят қонунчилигининг 131-моддаси 4-қисми “а” бандида эса ОИВ инфекциясини икки ва ундан ортиқ шахсга, “б” бандида эса хомиладор аёл ёки вояга етмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилганлик учун [10], Беларусия Республикаси жиноят қонунчилигининг 157-моддаси 3-қисмида ҳам ОИВ ни икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан ёхуд вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилганлик учун [11], шунингдек Қозоғистон Республикаси жиноят Кодексининг 118-моддаси 3-қисмига 2019 йил 12 июль кунги 180-VI-сонли киритилган ўзгартириш билан ОИВ инфекциясини икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан ёхуд вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги аниқланди [12]. Худди шунингдек, бошқа давлатларнинг, жумладан Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Украина Республикаси ва бошқа шу каби бир нечта давлатларнинг жиноят қонунчилиги ҳам ўрганилганида, уларнинг жиноят Кодексида ҳам юқорида қайд этилганидек ОИВ, ОИТС ни икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ёки вояга етмаган шахсга нисбатан юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб кўйилганлиги аниқланди [13].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига юқорида кўрсатилган нормаларнинг киритилишининг амалий заруратини кўйидаги мисоллар билан ҳам ифодалашни маъқул топдик. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси томонидан 2022 йил январь ойида фуқаро О.Б.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 113-моддаси 4-қисми билан жиноят иши кўзғатилган бўлиб, мазкур жиноят иши бўйича олиб борилган дастлабки тергов даврида О.Б. ОИВ касаллигини билгани ҳолда уни бошқа шахсга

юқтириш хавфини туғдирган ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилганлигига қарамадан, ўзининг шаръий никоҳида бўлган, жиноят содир этилган пайтда вояга етмаган, яъни 2003 йил 30 декабрь куни туғилган К.У.га ОИВ касаллигини юқтирганлиги аниқланган.

Ўтказилган тиббий текширув натижаларига кўра, фуқаро К.У. 2021 йил 17 декабрь куни ИБ усулида текширилганида, унда ОИВ инфекцияси қайд этилганлиги тасдиқланган ва 2022 йил 11 март кунги ЖИБ Тўрткўл туман судининг ҳукмига кўра унга нисбатан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган [14]. Ушбу ҳолатда О.Б.ни вояга етмаган шахсга нисбатан ОИВ касаллигини юқтирганлик учун жавобгарликка тортиш учун асослар етарли эмас. Ваҳоланки, жиноят Кодексининг 113-моддаси 3-қисмида эса ушбу қоида мавжуд.

Шу билан бирга суд-тергов амалиётида мазкур касалликка чалинган айрим шахслар ўзларида “нимага айнан мен касал бўлиб ўлиб кетишим керак, нимага бошқалар соғлом ва узоқ умр яшаши керак”,- каби ҳаётдан норози кайфиятда бўлиб, қасддан бир неча бор бошқа шахсларга ҳам ушбу касалликни тарқатиш ҳолатлари учрамоқда.

Жумладан, юқорида қайд этилган жиноят иши юзасидан ўтказилган дастлабки тергов даврида ҳам К.У. ўз кўрсатмасида О.Б. билан кейинчалик қонуний никоҳдан ўтиш нияти бўлмаганлигини, шунингдек иш бўйича жабрланувчидеб эътироф этилган О.Б. эса К.У. ундан ташқари бошқа аёллар билан ҳам уларга ўзининг касаллиги тўғрисида маълум қилмасдан ношаръий тарзда жинсий алоқада бўлиб юрганлигини маълум қилган.

Шу билан бирга, Бухоро вилоятида яшовчи аёлда 2017 йилда ОИТС борлиги аниқланиб, у била туриб бошқа шахсга юқтирган тақдирда ЖКнинг 113-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган бўлишига қарамай 4 йил давомида 40 дан эркакка ушбу касалликни юқтирганлиги аниқланган ва суд ҳукмига кўра 6 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган [15].

Бундай ҳолатлар суд-тергов амалиётида бир неча маротаба кузатилган ва барча ҳолатларда шахс ушбу касалликни битта шахсга нисбатан юқтирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган, яъни жиноят Кодексининг 113-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган. Бунинг тасдиғи сифатида, юқорида қайд этилганидек, яъни ВМТ Матбуоит хизмати томонидан эълон қилинган маълумотномага кўра, 2021 йилда 19 ёшгача бўлган 110 мингга яқин болалар ва ўсмирлар ОИТС билан боғлиқ сабаблар туфайли вафот этган. ОИВ инфекциясини юқтирган вояга етмаганларнинг умумий сони эса 310 мингга кўпайиб, 2,7 миллион кишига етган.

Ушбу ўринда Жиноят қонунчилигидаги юқорида қайд этилган бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида жиноят Кодексининг 113-моддасига қуйидагича ўзгартириш киритиш мақсадида қуйидагича таклифлар ишлаб чиқилди.

Жиноят Кодексининг 113-моддаси 5-қисмини тегишлича 6-қисм деб аташ ҳамда 5-қисми диспозициясини қуйидагича номлаш ва унга қуйидаги бандларни киритиш лозим:

Ушбу модданинг 4-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- в) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда.

Жиноят Қонунчилигига ушбу ўзгартиришлар киритилиши келажакда суд-тергов амалиёти олдида турган муаммоларни қонуний ҳал қилиш, жиноят содир этган шахсга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, ушбу турдаги жиноятлар кескин камайишига эришиш, шу билан бирга содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга ҳамда давлатимиз олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлган ОИВ, ОИТС каби иллатларни камайишига, таъбир жоиз бўлса йўқ қилинишига эришиш мумкин.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.05.2022).

2. [https://uza.uz/uz/posts/dardidan-nomi-ogir-bolgan-kasallik-oiv-va-oits-haqida-nimalarni-bilamiz\\_325262](https://uza.uz/uz/posts/dardidan-nomi-ogir-bolgan-kasallik-oiv-va-oits-haqida-nimalarni-bilamiz_325262)

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Т-2022;  
<https://lex.uz/docs/111453>

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 21 сентябрь кунги 219-сонли буйруғи.

5. О.Т.Ғаниев “Таносил касалликлари ва оитс касаллигини тарқатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари” ю.ф.н. Т-2006 15-б.

6. С. С. Арифов - Т. : “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. - 504 бет

7. Азарова э. С. Жиноятларни очиш ва тергов қилишга уюшган қарши курашиш муаммолари: дисс .... канд. қонуний Фанлар. Волгоград, 2006 йил



8. Рўжаков А.П. Жиноий жараён / Университетлар учун дарслик. М., 2003 йил

9. [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353)

10. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30414984](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984)

11. [https://online.zakon.kz/m/document/?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31575252)

12. <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102041891>,

[https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30418109](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109),

[https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31295286](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286)

13. <https://qalampir.uz/news/bukhoroda-fo%D2%B3isha-40-erkakka-k-asddan-oit-s-yuk-tirgani-anik-landi-52373>

14. Жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судининг 2022 йил 11 март кунги ҳукми.

15. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/29/foxishalik/>